

Бир оят билан тунда қоим



08:00 / 27.01.2021 2269

Таймийнинг муаззини Маъмар айтади: «Бир куни Сулаймон Таймий ёнимда хуфтон намозини ўқиди. Кейин мен унинг «**Мулк қўлида бўлган Зот улўғдир**» оятини ўқий бошлаганини эшитдим. «(Қиёматда азобни) **яқин ҳолда кўришгач, кофирларнинг юзлари шувут бўлур**» оятига келганда уни тинмай такрор-такрор ўқий бошлади. Масжиддагилар тарқалиб кетишди. Мен масжиддан чиққанимда ҳам у ўша ерда эди. Эрталаб бомдоднинг азонини айтиш учун эрта келсам, у ҳали ҳам ўша ҳолда турган экан. Қарасам, ҳалиям «(Қиёматда азобни) **яқин ҳолда кўришгач, кофирларнинг юзлари шувут бўлур**» оятини ўқийётган экан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан